

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Шерзод Холмуротович ДУСИЯРОВ**

таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги

Фискал институти

Тошкент, Ўзбекистон

## **Аннотация**

Мақолада Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожланиш истиқболлари, кичик тадбиркорлик субъектларига қулай ишбилармонлик муҳити ва инвестицион иқлимини шакллантириш бўйича олиб борилаётган солик ислоҳотлари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қулай ишбилармонлик муҳити, бизнесни юритиш, солик сиёсати, солик ислоҳоти, солик тизими, солик имтиёзлари ва преференциялар.

## **РОЛЬ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И В ФОРМИРОВАНИИ ДЕЛОВОГО КЛИМАТА В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Шерзод Холмуротович ДУСИЯРОВ**

Докторант

Фискальный институт при Государственном

налоговом комитете Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

## **Аннотация**

В статье освещены перспективы развития предпринимательства в Узбекистане, проводимые налоговые реформы по созданию благоприятной деловой среды и инвестиционного климата для малого бизнеса. В заключение выведены предложения по совершенствованию налогообложения малого бизнеса и созданию для них более благоприятной деловой среды.

**Ключевые слова:** малый бизнес и частное предпринимательство, благоприятная бизнес-среда, ведение бизнеса, налоговая политика, налоговая реформа, налоговая система, налоговые льготы и преференции.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг

хуқуқлари ва кафолатларини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Глобал инқироз ва пандемия шароитида мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу эса, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга бевосита боғлиқdir.

Жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан, инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар кўрилмоқда [2]. Бу эса энг йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктурунинг ёмонлашувини келтириб чиқарди.

Глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда, бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришни талаб қиласди. Бунда туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик саноати каби республика иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди [2]. Шундай экан мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашда асосий эътиборни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, аҳоли бандлигини ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омили сифатида тадбиркорликнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Солиқقا тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш ва солиқ маъмуриятчилигини

такомиллаштириш орқали қулай ишбилиармонлик мұхитини яратиш бүйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” рейтингида охирги икки йилда дунёning 190 та давлатидан 115 тасида амалга оширилган 294 та ислоҳотларнинг 56 таси бизнесни тартибга солиш ва қулай солиқ мұхитини яратишга қаратилған [9]. Иқтисодиётда ЯИМга нисбатан солиқ юки даражаси бүйича АҚШда 24,5 фоиз, Австралияда 28,7 фоиз, Буюк британияда 33,0 фоиз, Германияда 38,8 фоиз, Швецияда 42,9 фоиз, Туркияда 23,1 фоиз, Японияда 32,0 фоиз, Жанубий Кореяда 27,4 фоиз, OECD мамлакатларида 33,8 фоиз ва Россияда 32,0 фоизни ташкил этган [10].

Ўзбекистон Республикасида самарали тарзда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада *1 миллион 400 мингта янги иш ўрни яратилди*. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида *16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди*. Ўтган бир йил давомида лицензия ва руҳсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди ҳамда уларни бериш муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди. Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилған аҳоли учун қулай шароит яратиш натижасида бир йилда *500 минг нафар* фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга кўйди [4].

“Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислоҳотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир” [5].

Тадбиркорлик соҳасидаги мана шундай ёндашув натижасида Жаҳон банкининг “*Бизнесни юритиш*” халқаро рейтингида Ўзбекистон беш йил ичига 141-ўриндан 69-ўринга кўтарилилди. Бу бизнинг мамлакатимизга

ишбилиармонлик мұхитини яхшилашда әнг катта ютуқларга эришган 20 та мамлакат қаторига кириш имконини берди (1-жадвал).

### **1-жадвал**


**Ўзбекистон Республикасининг халқаро индекслардаги рейтинги [11].**

	<b>Индекслар номланиши</b>	<b>Жор ий ҳолат</b>	<b>20 21</b>	<b>2 022</b>	<b>2 030</b>
.	“Бизнесни юритиш” индекси (DoingBusiness Index)	69,90 балл (69- үрин)	72 ,43	7 7,8	8 9,36
.	Иқтисодий эркинлик индекси (Economic Freedom Index)	57,2 балл (114- үрин)	57 ,2	6 3,6	8 2,3
.	“Инсон камолоти” индекси (Numan Development index)	0,710 балл (108- үрин)	0, 720	0 ,740	0 ,820
.	“Рақобатбардош саноат унумдорлиги” индекси (Competitive Industrial Performance Index)	<b>2020 йилги рейтинг натижаларига кўра 152 та давлат орасида 92-үрин</b>			

Жаҳон банки эксперtlари “Бизнесни юритиш” хисоботнинг 10 индикаторидан 5 тасида Ўзбекистон позициясини яхшилаганлиги эътироф этилган:

- *Бизнесни бошлаши (+4 погона);*
- *Курилиши учун рухсат олиши (+2 погона);*
- *Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши (+27 погона);*
- *Ташқи савдо (+13 погона);*
- *Шартномаларнинг бажсарилиши (+19 погона).*

Кичик бизнес ва тадбиркорликни 2000-2020 йиллардаги иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидағи улушкини ўзгариши ва ривожланиши таҳлил қилинганда, 2000 йилда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуси 31,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 54,2 фоизни ташкил этган. Шунингдек, 2020 йилда пасайиш кузатилиб 53,9 фоизни ташкил этган. Ушбу ҳолатни 2019 йилда бошланган глобал инқироз ва пандемиянинг бевосита таъсири билан изоҳлашимиз мумкин (1-расм).



**1-расм. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидағи улушки[13].**

Республикада шаклланган солиқ сиёсати “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” [6], деган принцип асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим роль ўйнайди ҳамда республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шуни эътироф этиш жоизки, иқтисодий дастаклардан бири

бўлган солиқ механизми орқали уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодчи Н.Ашуррова солиқ механизмининг муҳим бўлаги ҳисобланган солиққа тортиш механизми бу – солиқ тўловчилар учун белгиланган солиқ солиш тартиби бўйича солиқ солинадиган обьектни аниқлаш, имтиёзларни қўллаган ҳолда ҳисоблаб чиқилган, солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб ўрнатилган ставкаларда, солиқ даврида бюджетга тўланадиган солиқ суммасини аниқлаш жараёнидир» [7].

Иқтисодчи Ж.Урмонов тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш мақсадида, хориж тажрибасидан келиб чиқиб, микрофирма ва кичик корхоналарни аниқлаш мезонларига, ишловчилар сони билан бирга, реализация ҳажми (товар айланмасини) ҳам киритиш ҳамда микрофирма, кичик корхона ва ўрта корхона мезонларини киритиш зуурлини таъкидлаган [8].

Таъкидлаш жоизки, 2020 йил 1 январдан жорий этилган “Солиқ кодекси”га мувофиқ, 13 та солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар сони 9 тага туширилди. Солиқ ҳисботларини шакллантиришда ўсиб борувчи тартибда эмас, балки ҳар ой якуни бўйича алоҳида ҳисоблаш методига ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда ҳисоб варак-фактуралар қоида тариқасида электрон кўринишида расмийлаштирилиши белгиланган. Солиқ назорати шакллари 10 тадан 3 тага камайтирилди [1]. Бунда, солиқ органларига риск-таҳлил асосида камерал солиқ текширувлари, сайёр солиқ текширувларини ва солиқ аудитини тайинлаш хуқуқини берадиган солиқ назоратини амалга оширишнинг янги тартиби назарда тутилган. Мазкур чора-тадбирлар солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигини ижро қилишга ҳаражатларини камайтириш имконини беради ва Жаҳон банкининг ҳар йиллик “Бизнесни юритиш” ҳисботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилашга имкон беради.

Глобал инқироз ва пандемия шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб ҳисобланади. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қўра,

Ўзбекистонда 2020 йил январь-декабрь ойларида ишсизлик даражаси 10,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилнинг шу даврида 9,1 фоизга тенг бўлган” [13]. Ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1,9 млн кишини ташкил этади (16-30 ёшгача бўлганлар ўртасида ишсизлик даражаси - 20,1 фоиз, аёллар ўртасида ишсизлик даражаси эса - 17,4 фоиз). Натижада иқтисодиётда банд бўлган 10,5 миллион аҳолининг атиги 4,9 миллиони даромад солиғи тўлайди. Солик юки кам сонли солик тўловчилар зиммасига тушмоқда.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарори қабул қилинди. Ушбу хужжатга асосан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган 68 та фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати тасдиқланди.



**2-расм. Ўз-ўзини банд қилган тадбиркорлик субъектлари таркиби ва сони (2021 йил 1 октябр ҳолатига) [12].**

2-расм маълумотларига асосан ўзини ўзи банд қилган фуқаролар таркиби гуруҳларга ажратилган. Ушбу гуруҳлар таркибига тўхтадиган бўлсак улар қуидагилардан иборат. Республика миқёсида 2021 йил 1 октябрь ҳолатига 950 946 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилувчи сифатида давлат рўйхатидан ўтган. Жорий йил давомида республика миқёсида 411 803 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилувчи сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, уларнинг аксарият қисми яъни 124 993 (30 фоиз) нафари қишлоқ хўжалиги йўналишидагилар ҳамда 112 817 (27 фоиз) нафари майший хизматларга тўғри келмоқда. Энг кам кўрсаткич ахборот комуникация йўналишига яъни умумий рақамларга нисбатан атиги 2,5 фоизга тўғри келади. Демак мамлакатимизда ушбу соҳа вакилларини янада рағбатлантириш ҳамда енгилликлар бериш ва бунинг натижасида ушбу соҳага тегишли фаолият билан шуғулланувчиларнинг сонини ошириш лозим бўлади.

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқида, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги тўсиқ бўлган энг долзарб муаммоларни тизимлаштириб, уларни ҳал этишга қаратилган **7 та** муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди [4]. Уларга қуидагилар киради:

- бизнесни молиялаштириш ва молия-кредит масалалари;
- солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини имкон қадар камайтиришга оид масалалар;
- ер ажратиш масаласи;
- бизнес учун зарур бўлган инфратузилма муаммолари;
- транспорт-логистика масалалари;
- тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш, хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги сиёsatни қатъий давом эттириш.

Жорий йилнинг 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишенгандан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида “Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосида, Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, хусусий секторни рафбатлантириш ва унинг улушини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-куватлаш, солиқ юкини камайтириш, бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича ислоҳотларни давом эттириш каби вазифалар белгилаб берилди [3].

Глобал инқироз ва пандемия шароитида мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлаш, айниқса ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва саноатни солиқлар воситасида рафбатлантириш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”га киритилган аҳолини ва ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорларга қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференцияларни беришни тақозо қилмоқда.

Шу билан бирга, солиқ қонунчилигидаги қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши сезиларли даражада ортда қолаётганлигини, айрим лицензия ва руҳсатномаларни расмийлаштиришда ортиқча бюрократик тўсиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, кўрилаётган чораларга қарамасдан, мамлакатда тегишли йўналишлар бўйича миллий рейтингларни юритишга ёрдам берадиган, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолашнинг яхлит тизими мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқот давомида қуйидаги таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- 2020-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорлигини ошириш бўйича тасдиқланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари ва қонунчилик талабларини ҳисобга

олган ҳолда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасига асосланган тегишли рейтинглар методологиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

- халқаро рейтинглар йиллик ҳисботларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, шунингдек ҳар бир индикатор кесимида статистик маълумотлар аниқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;
- пандемия даврида тижорат банклари томонидан аҳолига бериладиган ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкасини босқичма-босқич пасайтириш амалдаги 17-20 фоиз ўрнига 14-15 фоиз миқдорида белгилаш (Марказий банк томонидан 2021 йил сентябрь ойидан қайта молиялаш ставкаси 14 фоиз миқдорида сақланиб қолинди);
- карантин даврида аҳолига бирламчи маҳсулотлар, озиқ-овқат ва дори дармон маҳсулотларини онлайн тарзда етказиб бериш хизмати учун олинадиган қўшимча устама суммаларини қўшилган қиймат солиғи ва айланма солиғидан озод қилиш лозим;
- микрофирма ва кичик корхоналар янги иш ўринлари яратиб республика ўқув юртлари битиравчиларини иш билан таъминласа, янги ходимларга (битиравчиларга) бериладиган иш ҳақи суммаси миқдорида, ижтимоий солиқ базасини 50% дан ошмаган миқдорда белгилаган муддатга (12 ойгача) солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мазкур имтиёз учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сон Фармонига ўзгартириш киритиш керак.
- тадбиркорлик субъектлари томонидан туманларги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш имкониятини янада ошириш ва ҳақиқатда мавжуд ишчилар сонининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида, *янги иш ўринлари* яратган тадбиркорлик субъектларига нисбатан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг амалдаги стакасини 50 фоизга пасайтириш лозим. Буннинг натижасида аҳоли бандлиги таъминланади ва “конверт” усулида иш ҳақи бериш ҳолатлари олди олинади.

- бандлик масалалари бўйича идораларо маълумот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида, Ягона миллий меҳнат тизими дастурий таъминотини солик органлари билан интеграция қилиб, ўз ўзини банд қилганлар ва ЯТТларда ишлаётганларни бандлигини мазкур тизимда қайд қилиш таклиф этилади;

- пандемия даврида ва табиий оғатлар содир бўлган худудларда янгитдан рўйхатдан ўтган тадбиркорлик фаолиятини бошлайдиган якка тартибдаги тадбиркорларни олти ойдан бир йилгача бўлган муддатга даромад солиғидан озод этиш (ижтимоий солик мустасно) имтиёзини қўллаш;

- табиий оғат ва техноген ходисалар содир бўлган худудларда аҳоли ва фермер хўжаликларини икки йил муддатга мол-мулк ва ер солиқларидан озод қилиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, билдирилган амалий таклифлар ва тавсиялар мамлакатимизда глобал иқтисодий инқироз ва пандемия шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бизнесга ишビルармонлик мухитини яхшилаш ва тадбиркорлик субъектларини солиқлар орқали қўллаб-қувватлашга хизмат қиласи.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. //Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2020. – 473 б.
2. Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 март ПФ-5969-сонли Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.03.2020 й., 06/20/5969/0341-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимиiga бағишлиланган Олий Мажлис

палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. 2021 йил 6 ноябрь. <https://president.uz/uz/lists/view/5102>

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи.<https://president.uz/uz/lists/view/4551>

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.  
<https://president.uz/uz/lists/view/4596>

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. //Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь

7. Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиқса тортиш механизмини такомиллаштириш:иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 72 б.

8. Урмонов Ж.Ж. Кичик тадбиркорликни солиқса тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари. «УЧЁНЫЙ XXI ВЕКА» //Международный научный журнал, 2020 год, № 12/5. С.90-97.  
[http://www.uch21vek.com/assets/uch21vek\\_12\\_5\\_2020.pdf](http://www.uch21vek.com/assets/uch21vek_12_5_2020.pdf).

9. <http://www.doingbusiness.org/EconomyRankings> - Doing Business – 2020 Comparing Business Regulation in 190 Economies.pdf.  
<http://www.pwc.com/payingtaxes - Paying Taxes-2020.pdf>.

10. <https://eyourcountry.org>. - Revenue Statistics <https://stats.oecd.org>.

11. <http://www.review.uz>- Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази маълумотлари

12. <http://www.soliq.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси расмий сайти.

13. <http://www.stat.uz> -Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.